Jizzax davlat Pedagogika instituti
TARIX FAKULTETI

TARIX VA JAMIYAT

HISTORY AND SOCIETY
ИСТОРИЯ И ОБЩЕСТВО
общественный электронный
ЖУРНАЛ

JOURNAL
2022

№3

Бош муҳаррир:
Пардаев А.Ҳ. ЖДПИ, тарих факультети декани, т.ф.н. доцент.

Бош муҳаррир ўринбосари:
Ақчаев Ф.Ш. ЖДПИ, тарих факултети, т.ф.б.ф.д. (PhD), доцент.

Масъул котиблар:
Саидов Ж.О. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси
Хўжанова М. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

Таҳририят аъзолари:
1. Сагдуллаев А.С. – тарих фанлари доктори, Академик,
2. Аҳмедшина Ф.А. – тарих фанлари доктори, профессор,
3. Шодмонова С.Б. – тарих фанлари доктори, профессор,
4. Очилова Б.М. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
5. Чориев С. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
6. Туленова Г. Ж. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
7. Пардаев М.Ҳ. – тарих фанлари доктори, доцент,
8. Ғойибов Б.С. – тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
9. Ярматов Р. – педагогика фанлари доктори (DSc), доцент,
10. Саидқосимов А.И. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент,
11. Амануллаев А. – ф.ф.б. фан доктори (PhD), доцент,
12. Тошбоев Ф.Э. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
13. Миркомилов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент,
14. Саидов М. – фалсафа фанлари номзоди, доцент,
15. Ғофуров Ж. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
16. Ҳошимхонов М.Х. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент
17. Валиев А.Х. – катта ўқитувчи,
18. Мажидов А.С. – катта ўқитувчи,
19. Каримова Н. – ўқитувчи,

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ СИЁСИЙ ҲАЁТИДАГИ ФАОЛЛИГИ

Махсуда Эргашева
ЖДПИ доценти,
Ахмадова Чарос
ЖДПИ, Стажёр-ўқитувчи

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда хотин- қизларнинг сиёсий ижтимоийлашуви жараёни ва фаоллиги ҳамда унинг жамият ҳаётида тутган ўрни илмий-назарий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Сиёсий ижтимоийлашув, фаоллик, тараққиёт стратегияси, сиёсий маданият, миллий дастур, аёллар мавқеи, сиёсий имконият.

Annotation: The article provides a scientific and theoretical analysis of the process and activity of women's political socialization in Uzbekistan and its role in society.

Keywords: Political socialization, activism, development strategy, political culture, national program, women's status, political opportunity

Аннотация: В статье научно-теоретически анализированы процесс политической социализации и активности женщин в Узбекистане, а также его место в жизни общества.

Ключевые слова: политическая социализация, активность, стратегия развития, политическая культура, национальная программа, статус женщин, политическая возможность.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва мақеини юксалтириш борасида олиб борилган ислоҳотлар давлат сиёсати билан мустаҳкамланиб борилди. Айнан мамлакат раҳбари Ш.Мирзиёев ташаббуси билан жамият ва давлат ҳаётида аёлларнинг ролини оширишга, эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш ва уларнинг алоҳида мақомини юксалтиришга катта эътибор қаратилганлигини қуйидаги сўзларида билиб олиш мумкин: “...Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ҳам аёлларга муносиб шароит яратиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масаласини энг муҳим йўналишлардан бири сифатида бежизга белгиламадик. Ушбу муҳим вазифалар ижросини тизимли тарзда ҳар бир маҳалла кесимида амалга оширишни таъминлаш мақсадимиз”[1]. Шу боисдан

[1] Мирзиёев Ш.М. Газета.uz. 1 март 2022 .

ҳам мамлакатимизда амалга оширилган ва изчиллик билан давом этаётган ислоҳотларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири, бу - оилани ҳар томонлама ривожлантириш, ёшлар тарбиясида оиланинг ва оналарнинг ўрнини янада юксалтириш, оналар ва болаларни жамиятнинг энг имтиёзли ижтимоий қатламига айлантириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кабилар энг устувор вазифалардан ташкил топган.

Аёлларнинг сиёсий ижтимоийлашуви масаласини қадимдан шаклланиб келган қарашлар нуқтаи назардан келиб чиқиб таҳлил қиладиган бўлсак, тарихан аёлга фаришталар, парилар, шунингдек, санамлар қиёс қилиниши билан бирга, уларнинг нозикликлари, гўзалликлари кўплаб асарларда, афсоналарда, эртакларда, достонларда ва бошқа манбаларда кенг тарғиб қилинган. Баъзи ҳолларда уларнинг ўта оқила, уддабурон ёки аксинча, маккора эканлиги ҳам тасвирланади. Лекин, аксарият ҳолларда улар тутқун, асира, каниз, малика шаклида ҳам тасвирланади ва бу ҳолат уларнинг сиёсат оламидан эмас, балки аёлнинг қисмати доимо эркакларнинг эҳтиёжи масаласида келтирилади. Бу эса уларнинг ижтимоий ва сиёсий мақомини белгилаб бериш билан бирга, жамиятда улар тўғрисидаги маълум тасаввурларни ҳам вужудга келтиради. Бошқача айтганда, адабиётнинг меваси ва ҳосиласи сифатида аёл кишининг шоҳ ёки кучли фармонбардор эмас, балки давлат ишларида иккинчи даражада бўлганлиги тарғиб қилинади (бу ҳолатдан Клеопатра, Бибихоним, Гавҳаршодбегим ва бошқа шоҳ аёллар мустасно). Демак, адабиёт ва тасвирий санъат ҳам ўз ўрнида аёлларнинг мақомини белгилаб, инсон руҳиятида аниқ тасаввурларни мустаҳкамлаган.

Аёллар сиёсий маданиятининг шаклланиши жараёнини шартли равишда қуйидаги даврларга бўлиш мумкин: ***биринчи даври*** мамлакатимиз хотин-қизларининг сиёсий ижтимоийлашуви масалаларига доир қарашлар собиқ совет тизими ўрнатилгунга қадар кенг оммалаша бошлади. Муаммога қайтиб шуни яна бир бор таъкидлаш жоизки, ўз вақтида жадидчилар томонидан илгари сурилган ғояларда халқнинг маърифатпарварлиги турган бўлса, кейинги вазифа сифатида улар томонидан хотин-қизларнинг ҳам замонавий мактабларда, илму-фан марказларида таълим олиши, кун сайин тараққий этиб бораётган мамлакатлар маданияти билан ҳам таништириш сингари ишлар асосий вазифалардан эди. Ушбу ҳаракатнинг ёрқин намоёндаларидан бўлган Абдурауф Фитрат ўзининг “Оила ва оила бошқариш тартиблари” номли асарида хотин-қизларнинг диний илмлар билан бир қаторда замонавий илмларни ҳам эгаллаши лозимлиги таъкидланган[2]. Умуман олганда исломий

[2] Қаранг: Фитрат, Абдурауф. Танланган асарлар: Ж. IV. Дарслик ва ўқув қўлланмалари,илмий мақола ва тадқиқотлар/Абдурауф Фитрат; (Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев, Н.Каримов,Д.Алимова ва бошқ.; Масъул муҳаррир Б.Қосимов; Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев.) – Т.: “Маънавият”, 2006. – 303-308 бетлар.

қадриятлар устун бўлган жамиятни модернизациялаш масалалари ҳам жадидчилар томонидан кўтарилган эди.

Иккинчи давр ўз ичига 1917 – 1940 йилларни олган бўлиб, янги маданий инқилоб шароитида амалга ошди. Унинг ўзига хос хусусияти шунда эдики, *биринчидан*, янги маданиятнинг шаклланиши ва унга хотин-қизларнинг жалб қилиниши инқилобий йўл билан амалга оширилди ва бунда баъзан турли хил мажбурлаш воситаларидан ҳам фойдаланилди. *Иккинчидан,* ушбу маданий-тарихий ва ижтимоий тажриба амалга оширилиши жараёнида маданият, унинг мазмуни ва характери тубдан ўзгарди. Янги совет социалистик маданияти қурилиши жараёнлари эркаклар қаторида аёлларнинг ҳам иштирокини талаб қиларди. Бу ҳолат эса анъанавий турмуш тарзига ва у билан боғлиқ анъанавий маданиятга хужумлар билан давом этди. Бунинг натижасида Ўзбекистон хотин-қизлари маданиятида рус-европа ва миллий анъаналарга асосланган маданий қатламлашув юз берди. Маълумки,собиқ иттифоқ коммунистик мафкурани омма онгига сингдириш, ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун саводсизликни тугатиш ишлари жадаллаштирилди ва бунда миллий зиёлиларни йўқотиш ва фақатгина миллатимиз учун хос бўлмаган коммунизм мафкурасини ёйишда хотин-қизлардан усталик билан фойдаланилган эди. Бунда биринчидан, миллий қадриятларни эскилик сарқити “айблови” асосида бутунлай йўқотиб ташлашга, миллий руҳни ўлдиришга, фақатгина бир қолипга солинган психологияни сингдиришга, қизил мафкуранинг маданиятини оммалаштиришга асосий эътибор қаратилган бўлиб, хотин-қизларнинг сиёсий ижтимоийлашувини бир томонлама олиб бориш муҳим масала қаторида белгиланган эди. Тан олиш лозимки, у бир томондан ўзининг ҳам ижобий ва ҳам салбий оқибатларига эга**.**

Учинчи давр, яъни иккинчи жаҳон уруши шароитида хотин-қизларнинг ҳам оғир меҳнатга, фронт ортини мустаҳкамлашга кенг жалб қилиниши натижасида хотин-қизларнинг сиёсий масалалардаги мавқеи маълум маънода ортди. Бунинг ўзига хос сабаби бўлиб, эркакларнинг аксарият қисми урушга кетганлиги ва деярли барча вазифаларни хотин-қизларнинг ўз зиммаларига олишларига мажбур бўлганликларидир. Урушдан кейинги даврларда ҳам хотин-қизлар мамлакат халқ хўжалигини таклашга жалб қилиниши, зиёли хотин-қизларнинг яна қатағонларга учраши натижасида катта мураккабликлар содир бўлди. Сталинизмдан кейинги жараёнларда сиёсий қатағонларнинг гарчи бир мунча барҳам топиши ва сиёсатнинг юмшатилиши юз берган бўлсада,бу ҳолат хотин-қизларнинг сиёсий ижтимоийлашувига ўзининг ижобий таъсирини етарлича кўрсата олмади.

Тўртинчи, яъни мустақиллик даврида эса, аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни оиладаги нуфузини кўтариш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини

ҳамда мавқеини ошириш, уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, ёш болали оналарни ижтимоий муҳофаза қилиш, аёлларни давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирокларини таъминлаш, уларни ҳуқуқий жиҳатлардан муҳофаза қилиш, хуллас уларни юқори даражада ривожланган мамлакатлар ва замонавий дунё учун хос бўлган шарт-шароитларда яшаши ва меҳнат қилишлари учун кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ислоҳотларининг муҳим йўналишларидан бири сифатида хотин-қизлар фаоллиги ва ижтимоий-сиёсий мавқеини оширишга доир ислоҳотлар бугунги кунда янги босқичга кўтарилди. Хотин-қизларимизнинг бандлигини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, уларнинг ўз салоҳиятини намоён этишлари учун шароитларни кенгайтириш, гендер тенглик, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида Миллий дастур қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-81-сон Фармонига мувофиқ 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-146-сон Қарорининг қабул қилиниши ушбу ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда[3].

Албатта, хотин-қизларнинг жамият ҳаётига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳам йўқ эмас. Бундай омилларни тадқиқ қилиш баробарида қуйидаги ҳолатлар ҳолатлар мавжудлигини таъкидлаб ўтиш лозим:

- *биринчидан*, бошқарувнинг турли бўғинларида ишлайдиган баъзи бир раҳбарлар, мутасаддилар томонидан мамлакатда хотин-қизларни давлат ва жамият ҳаётига фаол жалб қилиш борасида олиб борилаётган сиёсатни тўлиқ англаб етмаганлик, бунинг натижасида хотин-қизларни ваколатли ёки раҳбарлик лавозимларига тавсия қилишда писандсизлик билан қараш ҳолатларининг учраб туриши;
- *иккинчидан*, баъзан хотин-қизларнинг мамлакат раҳбарияти томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг туб моҳиятини англамаганлиги, имтиёзлардан фойдаланиш, жамият ва давлат ҳаётида етарлича ташаббускорлик кўрсатиш борасида сусткашликка йўл қўяётганликлари;
- *учинчидан,* аҳолининг айрим қатламларида урф-одатлар ва анъаналарга ортиқча берилиш, қотиб қолган тушунчаларга биноан хотин-қизларни менсимаслик, бунинг натижасида уларнинг олий таълим олиши,

[3] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-81-сон Фармони мамлакатда хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётга чуқур кириб келишлари учун катта туртки бўлди.

ишлаши, сиёсий фаолият юритишини маъқулламаслик каби ҳолатларнинг баъзи ҳудудларда ҳанузгача сақланиб қолаётганлиги;

- *тўртинчидан,* ўзбек оилаларида шаклланган азалий меҳнат тақсимотининг баъзи кўринишлари ҳам хотин-қизлар сиёсий ижтимоийлашувига салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири сифатида талқин қилиниши мумкин. Чунки, оилада қиз бола, кейин эса аёлнинг таом тайёрлашдан бошлаб, барча рўзғор юмушларини бажариш масъулияти унинг умрининг асосий қисмини сарфлашига олиб келади. Бу эса ўз навбатида, хотин-қизларнинг сиёсий фаолликни ривожлантиришига деярли вақт орттира олмасликларига олиб келади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакатимиз аҳолисининг ярмини ташкил қиладиган хотин-қизлар сиёсий ижтимоийлашуви, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеи юксалиши, сиёсий фаоллиги ошиши ва энг муҳими кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг фаол иштирокчисига айланиши учун, Ўзбекистонда барча имкониятлар мавжуд бўлиб, бунинг учун ташкилий, ҳуқуқий ва сиёсий имкониятлар тўлиқ яратилган.